ИРОДА АЗИМОВА

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА МАТНЛАРИ МАЗМУНИЙ ПЕРЦЕПЦИЯСИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

АЗИМОВА ИРОДА АЛИШЕРОВНА

# ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТА МАТНЛАРИ МАЗМУНИЙ ПЕРЦЕПЦИЯСИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Монография

**«Навоий университети» нашриёт матбаа уйи**
**Тошкент – 2019**

УЎК 811.512.133'23
КБК 81.2Ўзб-5
А-37

Психолингвистика бугунги кунда жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Мазкур монография психолингвистиканинг марказий масалаларидан бири бўлган матн перцепциясига бағишланган. Унда матн мазмунини тушунишда инсон онги қандай бирликлар билан ишлаши, инсон онгида матн мазмунининг акcланиш жараёни қандай кечиши ҳақида, шунингдек, мазкур жараёнга таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар ҳақида сўз юритилади.

**Масъул муҳаррир:** А. Жўраев, филология фанлари доктори

**Тақризчилар:** Ҳ.Дадабоев, филология фанлари доктори, профессор
Ф.Мусаева, филология фанлари номзоди

М–96 **Азимова Ирода Алишеровна**
Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи (Монография).
– Т.: «Навоий университети» нашриёт-матбаа уйи, 2019. – 160 б.

**УЎК 297**
**КБК 86.38**

**ISBN 978-9943-5823-2-3**

© Азимова Ирода Алишеровна
© «Навоий университети» нашриёт-матбаа уйи, 2019

## МУНДАРИЖА

Кириш ........ 4
Таҳлил учун инчи тушунчалар ........ 5

**Биринчи боб. Газета матнларининг тилшуносликда ўрганилиши ........ 9**

1.1. Ўзбек тилидаги газеталар тадқиқот объекти сифатида ........ 9
1.2. Газета матнларини когнитив, социолингвистик ва психолингвистик ўрганиш ........ 14
Биринчи боб юзасидан қисқа хулосалар ........ 22

**Иккинчи боб. Газета матнининг мазмуний перцепциясида даражалар ва бирликлар ........ 24**

2.1. Матн перцепциясини ўрганиш йўналишлари ........ 24
2.2. Ўзбек тилидаги газета матни мазмуний перцепциясининг тажрибавий тадқиқи ........ 31
2.2.1. Матн мазмуний перцепциясида сўзларнинг эслаб қолиниши ........ 35
2.2.2. Баёнларда стимул матн таркибий элементларининг қўлланиши ........ 52
2.3. Газета матни перцепцияси даражалари ........ 62
2.4. Газета матнининг перцептив бирликлари ........ 77
Иккинчи боб юзасидан қисқа хулосалар ........ 81

**Учинчи боб. Газета матнларининг тушунилиши ........ 83**

3.1. Тушуниш психолингвистик муаммо сифатида ........ 83
3.2. Газета матни лисоний хусусиятларининг тушунишга таъсири ........ 85
3.2.1. Газета сарлавҳаларининг тушунилиши ........ 86
3.2.2. Матнни тушунишда алоҳида сўз ва матн муносабати ........ 97
3.3. Газета матнини тушунишда реципиент индивидуал-психологик хусусиятларининг аҳамияти ........ 106
3.3.1. Матн мавзусидан хабардорликнинг тушунишга таъсири ........ 106
3.3.2. Таасcубнинг тушунишга таъсири ........ 117
Учинчи боб юзасидан қисқа хулосалар ........ 121

**Умумий хулосалар ........ 123**
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ........ 129**
Иловалар ........ 142

# КИРИШ

Тилшунослик тилнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда инсонни ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи социология, психология, маданиятшунослик, этнология каби фанлар билан ҳамкорлик қилиши барчамизга маълум. Айниқса, XX асрнинг 2-ярми тилшуносликда чегарадош йўналишлар даври бўлди. Бунинг фан ва техника тараққиётида эришилган ютуқлар билан боғлиқлиги хеч кимга сир эмас. Хусусан, сунъий интеллект яратишдек амалий вазифа бир қатор фан йўналишлари олдига янги вазифалар қўйди. Шу билан боғлиқ ҳолда тилни психологик нуқтаи назардан ўрганишга интилиш янги босқичга кўтарилди.

«Тил гўёки халқлар руҳининг ташқи ифодасидир: халқ тили унинг руҳидир, халқ руҳи унинг тилидир, бундан-да айнроқ нарсани тасаввур қилиш қийиндир»,- деган эди В. Гумбольдт[1].

Тилнинг фаолият эканлиги уни инсоннинг бошқа фаолиятлари билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Шу эхтиёж асосида психолингвистика алоҳида фан сифатида шаклланди. Тилни ўрганишда узоқ йиллар давомида устунлик қилган ёндашув унинг айрим ходисаларини сўзлар, кейинчалик, гаплар асосида ўрганиш эди. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмида тилни матн ёрдамида ўрганишга қизиқиш ортди. Сабаби, матн яхлит лисоний бирлик сифатида ўзининг шакл-мазмуний структурасига эга. Унинг турли хусусиятлари инсон онгига турлича таъсирини белгилаши ҳақидаги гипотезалар ҳақли равишда илмий ёндашувлардан ўрин олди. Матнлар дастлаб услубий нуқтаи назардан ўрганилган бўлса, кейинчалик матнларнинг ижтимоий хаётда ўта фаоллиги муносабати билан улар экстралингвистик факторлар билан биргаликда ўрганила бошланди. Тилнинг инсон фаолиятидаги ўрнини тадқиқ этишда психолингвистик тажриба усуллари бугунги кунда ҳам асосий усуллардан бўлиб қолмоқда. Мазкур тажрибаларда матнлардан фойдаланиш инсоннинг матнга алоқалор психик фаолиятини очиш билан бирга матнинг ўзига хос хусусиятларини янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. Турли услубдаги матнларни тадқиқотга тортиш лисоний фаолиятнинг алоҳида қирраларини ўрганиш имконини яратади. Шу боис газета матнлари ўзининг ижтимоий ҳаётда тутган муҳим ўрнидан келиб чиқиб тилшуносларнинг эътиборини тортиб келмоқда.

Ўзбеклар хаётига газетанинг кириб келиши бир қатор ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлгани тарихдан маълум. Бу каби ўзгаришларнинг миллий тилимизга таъсири кучли бўлганлигини ҳам биламиз.

XIX аср охири ва XX аср бошида чоп этилган ўзбек тилидаги газеталар тилшунослар томонидан тадқиқ этилган. Бу ишларда газета тили адабий тилнинг бир кўриниши сифатида ўрганилган.

Ҳозирги кунда ғарб тилшунослигида газеталар бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили ўзбек тилшунослиги бу борада анча орқада қолганлигини кўрсатади. Газета матнларига янги ёндашувни қўллаш ўзбек тилшунослигига янги йўналишларнинг кириб келишини таъминлаши билан бирга газета матнлари тадқиқининг янги методларини шакллантиришга ёрдам беради. Бу йўналишдаги тадқиқотнинг илк бор амалга оширилаётганлиги **таҳлил учун ишчи тушунчалар**ни шакллантиришни талаб этди. Биз бунда рус ва ғарб тилшунослигидаги назарияларга асосландик.

## Таҳлил учун ишчи тушунчалар

Биз ўз тадқиқотимиз давомида қуйидаги ишчи тушунчалардан фойдаландик.

**Мазмуний перцепция-** нутқнинг сезги аъзолари билан қабул қилиниши ва тушунилиши жараёни. «Перцепция» психологик термин сифатида «объектив борлиқнинг сезги аъзолари билан акс эттирилиши» деб таърифланади[2]. Рус тилшунослигида нутқнинг тушунилишини англатиш учун «смысловое восприятие» термини, инглиз тилшунослигида «speech perception», «language understanding», «language comprehension» терминлари қўлланади. Мазкур терминларга асосланган ҳолда биз маз-

[1] Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человечества. // Избранные труды по языкознанию.- М.,1984.- С.68

[2] Словарь иностранных слов.-М., 1987. -С.375

**муний перцепция** терминини қўлладик. «Перцепция» термини қабул қилишни англатса, «мазмуний» сифатловчиси нутқнинг шунчаки товушлар оқими сифатидаги пассив қабул қилинишини эмас, сезги аъзоларига таъсир этаётган нутқий сигнал мазмунининг тушунилишини ҳам англатади.

Матннинг мазмуний перцепцияси таҳлилида белгиланган даражаларни уларнинг характерли жиҳатларидан келиб чиқиб, қуйидагича номладик: ассоциатив даража, лексик-морфологик даража, контекстуал даража, структурал даража, матн даражаси. **Ассоциатив даража** берилган матннинг элементлари асосида ассоциацияларнинг юзага келиши билан характерланади. **Лексик-морфологик даража**да қабул қилинаётган нутқий оқим ичидан сўзлар лексема сифатидаги яхлитлиги ва сўз шакли сифатидаги морфологик хусусиятларини сақлаган ҳолда ажратилади. **Контекстуал даража**да сўзларнинг локал контекстдаги (бир-икки гап доирасидаги) маънолари аниқлаштирилади. **Структурал даража**да гапларнинг мазмуний блок доирасидаги маъноси англашилади ва мазмуний блокларнинг ўзаро алоқаси, бошқача айтганда, матннинг ички мазмуний структураси аниқлаштирилади. Матннинг мазмуний перцепцияси жараёни **матн даражаси** билан якунланади. Бунда реципиент онгида яхлит матннинг проекцияси ҳосил бўлади.

Матннинг перцептив бирликлари сифатида лексема, сўз шакли, сўз бирикмаси, синтагмалар ажратилди.

Матнни тадқиқот объекти сифатида олган эканмиз, унинг структурасига тегишли қуйидаги тушунчаларни қўлладик: матн блоклари, топиклар, когерентлик, дискогерентлик.

**Матн блоклари**-матннинг нисбатан мазмуний яхлитликка эга таркибий қисмларидир. Бу термин бир неча олимлар томонидан ишлатилган бўлиб, биз А.Мецлер қўллаган мазмунни назарда тутамиз. А.Мецлер матн блокларини «коммуникатив йўналтирилган, нисбатан тугалланган бирлик» сифатида таърифлайди ва унинг таркибий қисмлари ўртасида «матн компонентларининг мазмуний боғлиқлигини акс эттирувчи мотивацион муносабат мавжуд» лигини таъкидлайди[3].

[3] Мецлер А.А. Структурные связи в тексте.-Кишинев, 1987. -С.20.



**Топик** матн блокларининг умумий мазмуни бўлиб, гап шаклида ифодаланади. Бу терминни айни маънода Т.А. ван Дейк ишлатади[4].

**Когерентлик** тушунчаси матн тилшунослиги йўналишига тегишли бўлиб, кўпроқ гапларнинг ўзаро боғлиқлигини англатиш учун ишлатилади. Масалан, Н. Торошина «...матн когерентлиги когезиянинг мантиқий-семантик, синтактик ва услубий кўринишларининг ўзаро таъсиридир, когерентликнинг асоси гапнинг мантиқий-семантик когезиясидир»,- деб ёзади[5]. Когерентлик тушунчасини биз матн таркибидаги гаплар ва мазмуний блокларнинг мантиқий-семантик, грамматик ва услубий мутаносиблигини англатиш учун қўллаймиз. Унга **дискогерентлик** қарама-қарши қўйилади.

**Реципиент** термини нутқни қабул қилувчи маъносини англатади. Биз бу терминни синалувчилар, тажриба иштирокчилари сўзлари билан параллел равишда ишлатдик.

Тажриба учун берилган матн **стимул матн** ёки асл матн, деб юритилди. Бунда матннинг психологик таъсир этувчи сифатини кўрсатиш учун «стимул» сўзи қўлланди. Худди шу бирикма психологик адабиётларда қўлланади.

**Матн проекцияси** термини психолингвистикада кенг қўлланади. А.А. Залевская унга шундай таъриф беради: «Матн проекцияси деганда... реципиент томонидан матннинг мазмуний қабул қилиниш жараёнининг якуний махсули тушунилади»[6]. Биз тажрибаларимиз таҳлили давомида ушбу терминни айни мазмунда ишлатдик.

Тадқиқотимиздаги ишчи тушунчаларни қуйидагича гуруҳладик.

1. Матннинг қабул қилинишига оид тушунчалар:

а) жараённинг ўзини номловчи тушунча – мазмуний перцепция;

[4] Ван Дейк Т.А. Структура новостей в прессе// Язык. Познание. Коммуникация. -М., 1989. -С.237

[5] Торошина Н.Н. О семантико-стилистическом аспекте цельности(когерентности) художественного текста // Аспекты общей и частной лингвистики текста. -М.,1982. -С.51

[6] Залевская А.А. Введение в психолингвистику. -М., 1999.-С.253

б) матний перцепция даражаларининг номлари: ассоциатив перцепция даражаси, лексик-морфологик перцепция даражаси, контекстуал перцепция даражаси, структурал перцепция даражаси, матний перцепция даражаси.

2. Матн структурасига оид тушунчалар:

а) матн таркибий қисмларига оид тушунчалар: матн блоклари, топиклар;

б) матн блоклари ўртасидаги алоқани ифодаловчи тушунчалар: когерентлик, дискогерентлик.

3. Тажриба жараёнида қўлланган тушунчалар: реципиент, стимул матн, матн проекцияси.



# БИРИНЧИ БОБ

## ГАЗЕТА МАТНЛАРИНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ

Газета тили тилнинг яшаш шаклларидан бири сифатида тилшунослик учун аҳамиятга эга объектлардан биридир. Айниқса, тилшуносликнинг чегарадаги йўналишлари газета тилининг турли жиҳатларини ўзларининг асосий масалалари қаторида ўрганиб келмоқда.

Мазкур бобда биз тадқиқотимиз мавзусидан келиб чиққан ҳолда ўзбек газеталари тилининг ўрганилиши, газета матнларини когнитив, социолингвистик, психолингвистик ўрганиш масалаларига тўхталамиз.

### 1.1. Ўзбек тилидаги газеталар тадқиқот объекти сифатида

Ўзбек газеталари тилини ўрганиш XX асрнинг 2-чорагида бошланган. Бу борада амалга оширилган ишларнинг таҳлили бизга мавзунинг ўрганилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида газеталарни ўрганишда лексик, морфологик, синтактик, стилистик ва статистик таҳлиллар қўлланган.

Ўзбек тилшунослигида газета матнлари бўйича амалга оширилган ишларни тўртта йўналишга ажратиш мумкин:

а) газета мисолида ўзбек адабий тили шаклланиши (аниқроғи, рус тили таъсирида ўзгариши) масаласи ўрганилган ишлар;

б) ўзбек адабий тилининг XX аср давомида ривожланиши масаласи текширилган тадқиқотлар;

в) ҳозирги ўзбек адабий тили ҳодисаларининг газета тили мисолида қўлланиши текширилган ишлар;

г) газета тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ишлар.

Биринчи йўналишдаги ишларда XIX асрнинг охири-XX аср бошидаги газеталар ўрганилар экан, даврнинг ўзига хослигига кўпроқ эътибор қаратилади. Шу асосда газеталарда қўлланган рус, татар, турк, озарбайжон тилидан ўтган ўзлашмалар, рус тилидан калькаланган сўзлар, рус тилига муқобил сифатида

танланган арабча, форс-тожикча сўзлар таҳлил қилинади. Тилимизга хозирда ўзлашиб, адабий меъёрга айланган сўзлар, сўз бирикмалари, шунингдек, ўша даврда хосил қилинган, бироқ тилга ўзлашиб кетмаган калькалар ҳам қайд этилади.

А. Боровков ўша даврда ўзбек тилига турк, татар, озарбайжон каби бошқа туркий тиллардан, рус тилидан ўзлашган сўзларни, рус тилига муқобил сифатида танланган форс-тожикча, арабча сўзларни таҳлил қилади, сиёсий лексика ва терминологиянинг ривожланиши ҳамда миллий пуризм масалаларига эътибор қаратади[7].

Б. Турдиалиев газета тили морфологик хусусиятларини таҳлил қилар экан, рус тилидаги бирикмаларнинг ўзлашишида қўшимчаларнинг ўзбек тили ички қонуниятларига бўйсундирилганини айтиб ўтади[8].

М.Рахмонов XIX асрнинг охири- XX аср бошида чоп этилган «Туркистон вилоятининг газетаси»ни синтактик жиҳатдан таҳлил этган[9]. Муаллиф газета материалларининг аксарияти рус тилидан таржима қилинганлиги учун синтаксисда рус тили таъсиридаги ўзгаришлар мавжудлигини, шунингдек, оғзаки нутққа хос белгиларнинг кенг қўлланганлигини айтади[10].

К.Юсуповнинг 1986 йилда эълон қилинган тадқиқоти бу йўналишдаги ишларга мантиқий хулоса ясаган, деб айтиш мумкин. Ишда XX асрнинг 1-ярмидаги вақтли матбуот тили лексик-семантик, стилистик жиҳатдан таҳлил этилган. Унда аффиксал морфемаларни қўллашда эски ўзбек адабий тили анъаналари сақланганлиги айтилади [11]. Муаллиф XX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабий тили ва ўзбек вақтли матбуотида лексик, фразеологик ва синтактик калькаларнинг кўп қўлланганлигини мазкур даврнинг ўзига хос белгиси сифатида кўрсатади[12].

Бу йўналишдаги ишлар ўзбек адабий тилидаги кескин ўзгаришлар даврини акс эттиради. Шу билан бирга улар тилнинг ижтимоий-сиёсий шароит билан боғлиқ хусусиятларини очиб беради.

Иккинчи йўналишдаги ишларда ўзбек адабий тилининг ривожланиш масаласи текширилади. М.Мирзаев, И.Расулов, Ғ.Каримов, Ш.Абдураимова, Н.Қодирова каби олимларнинг ишлари шулар жумласидандир. Мазкур ишларда маълум давр оралиқларида газета тилидаги ўзгаришларга, шунингдек, адабий тилдан чекиниш ҳолларига кўпроқ эътибор қаратилади. М.Мирзаев «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1945-1950 йиллардаги материалларини лексик таҳлил этган[13]. И.Расулов Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикасига оммавий ахборот воситалари (газета, радио) орқали қатор янги ижтимоий-сиёсий атамаларнинг кириб келишини тадқиқ этган[14]. Ғ.Каримов 1920-1930 йиллардаги вилоятлардаги маҳаллий вақтли нашрларнинг морфологик тадқиқини амалга оширган[15]. Ш.Абдураимова Сурхондарёда 1936-1990 йилларда чоп этилган газеталар мисолида сўз ўзлаштириш масаласини ўрганган[16]. 1991-2001 йиллар оралиғидаги ўзлашмалар оғзаки нутқ материаллари билан бирга газета материаллари мисолида Н.Қодированинг номзодлик диссертациясида қиёсий-типологик таҳлил қилинган[17]. Бу йўналишдаги

---

[7] Боровков А. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 годов. -Ташкент, 1940.-С.25-57

[8] Турдиалиев Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905-1917гг. Автореф. дис. ...канд. филол.наук. -Ташкент, 1969. -С.17

[9] Рахманов М. Синтаксические особенности языка газеты «Туркистон вилоятининг газети». Автореф. дис. ...канд. филол.наук. -Ташкент, 1971.

[10] Ўша манба, Б.12.

[11] Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (XX асрнинг биринчи ярми вақтли матбуот материаллари асосида). -Тошкент, 1986. -Б.122

[12] Ўша манба. Б.121

[13] Мирзаев М. Советско-интернациональные слова в узбекской периодической прессе (1945-1950). Автореф. дис. ...канд. филол.наук. -Ташкент, 1951.

[14] Расулов И. Развитие лексики узбекского языка в период Великой Отечественной войны. Автореф. дис. ...канд. филол.наук. -Ташкент, 1951.

[15] Каримов Г. Некоторые вопросы развития узбекского литературного языка 1920-1930 гг. Автореф. дис. ...канд. филол.наук.-Ташкент, 1972.

[16] Абдураимова Ш.К. Сўз ўзлаштириш назарияси ва ўзлаштирмаларнинг вақтли матбуот тилида ўзгара бориши. Филол. фан. номз. ...дис.автореф. -Тошкент, 1995.

[17] Кодирова Н. Семантико-стилистический анализ заимствовании в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 (на материале газет и устной речи). Автореф. дис. ...канд. филол.наук.- Ташкент, 2001.

ишларда асосан, рус тилидан кириб келган ўзлашмалар таҳлил қилинган, ўзлашмалар лексик-семантик гуруҳларга ажратилган, бошқа тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, уларнинг тадрижий ўзгаришига эътибор берилган.

Учинчи йўналишдаги ишларда ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг маълум ҳодисалари газеталарда қандай акс этиши, газеталарда меъёрга риоя қилинган ва меъёрдан чекиниш ҳолатлари тадқиқ этилади. Бу ишларда газета тилининг услубий жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади. П.Рустамовнинг сарлавҳаларнинг структур-стилистик хусусиятларига доир мақолалари[18], Ш.Раҳматуллаевнинг «Сўз ишлатишнинг вақтли матбуотдаги бир кўриниши» мақоласини[19], Т.Қурбонов[20] ва С.Муҳамедовнинг[21] номзодлик диссертацияларини шу йўналишдаги ишлар сирасига киритиш мумкин.

Т.Қурбонов ҳозирги замон ўзбек адабий тилининг публицистик услубини таҳлил қилар экан, бу услубда тилнинг демократлашуви, мураккаб грамматик структураларнинг соддалаштирилиши, лисоний воситаларнинг иқтисод қилинишини айтади[22]. С.Муҳамедовнинг номзодлик диссертациясида газета матнларига статистик ва моделлаштириш нуқтаи назаридан ёндашилади[23]. 1982 йили чоп этилган С.Муҳамедовнинг «Ўзбек адабий тилининг алфавитли частотали луғати» ҳам газета матнлари асосида тузилган[24].

Тўртинчи йўналишдаги ишларда газета тилининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Улар сирасига А.Бобоева[25] ва А.Абдусаидовнинг[26] тадқиқотлари киради. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида газета тили услубий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Юқорида сўз юритилган тўртала йўналишда ҳам газета тили адабий тилнинг бир кўриниши сифатида ўрганилади. Ўзбек тилшунослигидаги бу ёндашув рус тилшунослигининг таъсирида шаклланган.

Сўнгги йилларда ўзбек тилидаги газеталар мисолида ҳам социолингвистик тадқиқотлар пайдо бўлмоқда. А.Жўраев ижтимоий ёлғоннинг турли ижтимоий гуруҳларга таъсирини ўзбек тилидаги «Савдогар», «Тошкент оқшоми», «Ватан», «Миллий тикланиш», «Ўзбекистон овози» газеталари материаллари мисолида социолингвистик таҳлил қилган[27].

---

[18] Рустамов П. Грамматик шаклланган сарлавҳаларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. –Б.88-99.

Рустамов П. Гап шаклидаги сарлавҳаларнинг структур-стилистик хусусиятлари //«Ўзбек тили стилистикасидан тадқиқотлар».-Самарканд, 1987.-Б.64-40.

Рустамов П. Бирикма сарлавҳаларнинг грамматик-стилистик хусусиятлари. // «Ўзбек тили стилистикасининг актуал масалалари». -Тошкент, 1988. -Б.70-77.

Рустамов П. Грамматик шаклланган сарлавҳаларнинг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. –Б.88-99.

[19] Раҳматуллаев Ш. «Сўз ишлатишнинг вақти матбуотдаги бир кўриниши» // Ўзбек стилистикаси масалалари. -Тошкент, 1982. -Б.18-25.

[20] Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. …канд. филол.наук.-Ташкент, 1987.

[21] Мухамедов С. А. Статистический анализ лексико-морфологической структурў узбекских газетных текстов. Автореф. дис. …канд. филол.наук -Ташкент, 1980.

[22] Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис. …канд. филол.наук. -Ташкент, 1987. -С.20.

[23] Мухамедов С. А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов. Автореф. дис. …канд. филол.наук.-Ташкент, 1980.

[24] Мухамедов С. А. Ўзбек адабий тилининг алфавитли частотали луғати. -Тошкент, 1982.

[25] Бобоева А. Газета тилида таъсирчанликни таъминловчи айрим нутқий воситалар// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1976. №1. –Б.62-66. Бобоева А. Газета тилида «зиммага олмоқ» иборасининг вариантлари.// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1978. №2. -Б.33-35. Бобоева А. Газета тилининг икки хусусияти // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1981. № 3. –Б.52-55. Бобоева А. Газета тили ҳақида. -Тошкент, 1983; Бобоева А. Газета публицистикаси// Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1986. № 2. –Б.24-28.

[26] Абдусаидов А. Вақтли матбуот тилида келишик формаларининнинг стилистик хусусиятлари ва адабий норма масаласи (50-80йиллар район газеталари асосида). //Ўзбек тил стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. -Самарканд, 1987. –Б.84-88. Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма (на материале местных и республиканских газет 70-80 годов). Автореф. дис. …канд. филол.наук . -Ташкент, 1988. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. -Самарканд, 2001. Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Самарканд, 2004. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. докт.…дис.автореф. Тошкент, 2005.

[27] Djuraev Aziz B. The social lie as a central concept for research topic

Газета тилини тадқиқ этган ўзбек тилшунослари газета тилига экстралингвистик омилларнинг таъсири кучлилигини айтиб ўтганлар. Газета тилининг бу жиҳати комплекс ёндашувни талаб этади. Бунинг учун ғарб тилшунослигининг илғор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзбек тилшунослигига социолингвистика, психолингвистика каби замонавий йўналишларни олиб кириш лозим.

Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетида бакалавриат талабаларига социолингвистика, магистратура талабаларига психолингвистика ва социолингвистика курслари етти йилдан буён ўқитилаётганлиги бу йўналишдаги тадқиқотларни олиб бориш учун асос бўла олади.

### 1.2. Газета матнларини когнитив, социолингвистик ва психолингвистик ўрганиш[28]

Газета тили ёки умуман оммавий ахборот матнларини ўрганиш сўнгги йилларда бир мунча кенгайди. Когнитив фанлар, психология (хусусан, ижтимоий психология), социология ва албатта, тилшунослик оммавий ахборот матнларини янгича нуқтаи назардан ўргана бошлади.

Рус олими Г.Я.Солганик оммавий ахборот воситалари тилини ўрганишнинг замонавий йўналишларини таҳлил қилар экан, агар илгари оммавий ахборот воситалари тили «нарса ўзида» шаклида кўпроқ ўрганилган бўлса, эндиликда оммавий ахборот воситалари тили ва тафаккур, оммавий ахборот воситалари тили ва жамият, оммавий ахборот воситалари тили ва маданият, сиёсат, идеология каби жиҳатлар долзарб бўлиб қолди, деб ёзади[29].

"Politics, power, and speech"// Ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами).-Тошкент, 2006. –Б.38-45.

[28] Бу рукнда Ғарб тиллари мисолидаги айрим назарий қарашлар обзори ҳақида гап кетади. Уни, асосан, тилшунослигимизга таъсири кучли бўлган рус тилшунослиги материалларига таяниб ёздик. Диққат, асосан, когнитив, социолингвистик ва психолингвистик ёндашувларга (буларнинг бир-бири билан боғлиқлиги туфайли) қаратилганлиги сабаб Ғарб стилистикасига оид ишларга тўхталишни лозим топмадик.

[29] Солганик Г.Я. О новых аспектах изучения языка СМИ// Вестник МГУ сер.10 Журналистика. -М., 2000 №3, -С.31-32.



Бугунги кунда тилшуносликнинг етакчи йўналишлари ҳисобланган социолингвистика, психолингвистика фанлари ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган. Мазкур йўналишда газеталар тили бўйича амалга оширилган дастлабки тадқиқотлар янгича ёндашувларга бўлган уриниш билан характерланади. Уларни шаклланиш босқичидаги илк қадамлар сифатида баҳолаш мумкин. Бу босқичда чегарадаги йўналишлар тадқиқотчилар томонидан яхлит ёндашув сифатида етарлича ўзлаштирилмаган эди. Масалан, газета тилини социолингвистик ўрганган И. Лысакова «Газетанинг социолингвистик таҳлили бу лисоний хусусиятлар, уларнинг турли типларини лингвистика, социология, психология базасида комплекс ўрганишдир», – деб ёзади[30]. Нутқий фаолиятнинг психологик ва ижтимоий жиҳатларини ажратиш кийин бўлганлиги сабаб, бу даврда психолингвистик ва социолингвистик тадқиқотлар ўртасида жиддий фарқ сезилмайди. Йўналишларнинг номланишида ҳам якдиллик йўқ эди. Психология, социология ва тилшуносик биргаликда ҳам социолингвистик ёндашувнинг, ҳам психолингвистик ёндашувнинг асоси сифатида қаралиб, «социолингвистик», «психолингвистик» терминлари қаторида «социопсихолингвистик», «лингвосоциопсихологик» терминлари ҳам қўлланган [31].

Бу даврда амалга оширилган психолингвистик тадқиқотларда психологик нуқтаи назарнинг устунлиги сезилади. Хусусан, «Психолингвистические проблемы массовой коммуникации» китобида берилган И.Берман, Л.Попова ва С. Федосовларнинг матнни кўчириб ёзишни аппарат ёрдамида кузатиш усули ҳақидаги мақоласи[32], В.Мельниковнинг газета ўқиш стратегияси

[30] Лысакова И. П. Язык газеты: социолингвистический аспект. -Ленинград, 1981.-С.102.

[31] Дридзе Т. М. Организация и методы лингвопсихосоциологического исследования массовой коммуникации. -М.: Изд-во Моск. Ун-та, 1979; Зильберт Б.А. Социопсихолингвистические исследования текстов радио, телевидения и газеты. -Саратов, 1987.

[32] Берман И., Попова Л., Федосов С. Об одном приеме экспериментального исследования восприятия письменной речи// Психолингвистические проблемы массовой коммуникации. -М.,1974. -С.118-122.

Оригинал макет «НАВОИЙ УНИВЕРСИТЕТИ»
нашриёт-матбаа уйида тайёрланди.

Босишга рухсат этилди 25.11.2019. Бичими 60х90 $^{1}/_{16}$.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 10.
Шартли босма табоғи 7.8. Адади 300 нусха.

Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри,
Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.
Тел.: +998 (94) 6390344; (97) 344-0241; (90) 909-5401.
Веб: www.navoiy-uni.uz
Э-почта: navoiyuniversiteti@mail.ru